

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНА ВА БОЛА
САЛОМАТЛИГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/2025.27.12.Tib.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНА ВА БОЛА
САЛОМАТЛИГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

МИРЗАЕВА ЮЛДУЗ КАРИМОВНА

**БАЧАДОН БЎЙНИ ШИЛЛИҚ ҚАВАТИНИНГ КЎП ҚАВАТЛИ
ЯССИ ЭПИТЕЛИЙСИ ЕНГИЛ ДИСПЛАЗИЯСИНИ ДАВОЛАШ
УСУЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Мирзаева Юлдуз Каримовна

Бачадон бўйни шиллик қаватининг кўп қаватли
ясси эпителийсини енгил дисплазиясини
даволаш усулини такомиллаштириш..... 3

Мирзаева Юлдуз Каримовна

Совершенствование метода лечения слабой
дисплазии многослойного плоского эпителия
слизистой шейки матки 25

Mirzayeva Yulduz Karimovna

Improvement of the treatment method for mild
dysplasia of the stratified squamous epithelium
of the cervical mucosa..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 50

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНА ВА БОЛА
САЛОМАТЛИГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/2025.27.12.Tib.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНА ВА БОЛА
САЛОМАТЛИГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

МИРЗАЕВА ЮЛДУЗ КАРИМОВНА

**БАЧАДОН БЎЙНИ ШИЛЛИҚ ҚАВАТИНИНГ КЎП ҚАВАТЛИ
ЯССИ ЭПИТЕЛИЙСИ ЕНГИЛ ДИСПЛАЗИЯСИНИ ДАВОЛАШ
УСУЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.3.PhD/Tib4804 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифада (www.akusherstvo.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган

Илмий раҳбар:

Алиева Дилфуза Абдуллаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Каримова Феруза Джавдатовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Юлдашева Дилчехра Юсуфхановна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Республика перинатал маркази

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.06/2025.27.12.Tib.03.01 рақамли илмий кенгашининг 2026 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100124, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси 132А-уй. Тел: (+99871) 263-33-14, e-mail: info@uzaig.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100124, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси 132А-уй. Тел: (+99871) 263-33-14, e-mail: info@uzaig.uz).

Диссертация автореферати 2026 йил «_____» _____ да тарқатилди.
(2026 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.С. Надирханова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори

А.М. Бабаханова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

А.А. Асагова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.

Дунёда бачадон бўйни шиллиқ қаватининг кўп қаватли ясси эпителийсидан энгил даражали дисплазияси аёллар репродуктив саломатлигида учрайдиган долзарб гинекологик касалликлардан бири ҳисобланиб, асосан инсон папиллома вируси инфекциясининг персистенцияси, маҳаллий иммунитет ўзгаришлари ва эпителий хужайраларидаги диспластик жараёнлар билан намоён бўлади. Шу билан бирга «...Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, бачадон бўйнининг I даражали цервикал интраэпителиал неоплазияси (CIN I) персистенцияси тахминан 32% ҳолатларда кузатилади, CIN II–III гача прогрессия 11% ҳолатларда, инвазив бачадон бўйни саратони ривожланиши эса тахминан 1% ҳолатларда учрайди...»¹. Касалликнинг дастлабки босқичларида клиник белгилари кам намоён бўлиши, иммунологик ва вирусологик ўзгаришлар эса узоқ вақт давомида сақланиб туриши сабабли, бачадон бўйни интраэпителиал неоплазиясининг персистенцияси ва прогрессияси хавфини эрта баҳолаш, иммунологик, вирусологик ва цитологик кўрсаткичлар асосида прогноз қилиш ҳамда самарали даволаш тактикасини ишлаб чиқиш замонавий гинекологиянинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда бачадон бўйнининг паст даражали ясси хужайрали интраэпителиал неоплазияси (LSIL/CIN1) ривожланиш механизмларини ўрганиш, унинг патогенетик асосларини очиқ бериш ҳамда самарали профилактика ва даволаш усулларини ишлаб чиқишга қаратилган мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, инсон папиллома вируси инфекцияси персистенциясида Th2 туридаги иммун жавоб устунлиги, интерферонлар ишлаб чиқарилишининг пасайиши ва яллиғланиш цитокинлар миқдорининг ошиши билан боғлиқ иммунологик ўзгаришларни баҳолаш; вируснинг иммун тизимдан четланиш механизмларини аниқлаш; бачадон бўйни эпителийсидан диспластик ўзгаришларнинг узоқ сақланиб қолиши сабабларини илмий жиҳатдан асослаш; ҳамда иммунокоррекцияга қаратилган замонавий даволаш усулларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришга, жумладан, репродуктив ёшдаги аёллар орасида турли касалликларни эрта ташхислаш сифатини ошириш ва асоратларни камайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2022–2026 йилларга мўлжалланган «...оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларга сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш имкониятини кенгайтириш, уларни ихтисослашган ва юқори технологик тиббий ёрдам билан таъминлаш, болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш...» каби вазифалар белгиланган². Шундан келиб чиққан ҳолда, тиббий

¹ Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, 2022.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-216-сонли “2022–2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида”ги қарор // <https://lex.uz/docs/5980206>

ёрдам сифати даражасини янги босқичга олиб чиқиш, соғлом муҳитни шакллантириш, шунингдек инсон папиллома вируси фонида бачадон бўйни шиллик қаватининг кўп қаватли ясси эпителийси енгил даражали дисплазияси мавжуд бўлган репродуктив ёшдаги аёлларни олиб бориш тактикасининг янги дифференциаллашган ёндашувларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон «Ўзбекистон-2030» стратегияси тўғрисида» ги Фармонлари, 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-216-сон «2022-2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида», 2024 йил 22 январдаги ПҚ-38-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бачадон бўйни шиллик қаватининг кўп қаватли эпителийси енгил даражали дисплазияси мавжуд бўлган беморларни олиб боришни такомиллаштиришга қаратилган жаҳон илмий тадқиқотлари дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида олиб борилмоқда, жумладан: Stanford University (АҚШ), Peking University (Хитой), National University of Singapore (Сингапур), Flinders University (Австралия), University of Auckland (Янги Зеландия), ACOG, ASCCP, World Health Organization, Тошкент Тиббиёт Академияси (Ўзбекистон). Ҳозирги вақтга қадар жаҳон миқёсида ўтказилган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, бачадон бўйни шиллик қаватининг кўп қаватли эпителийси енгил даражали дисплазияси юқори онкоген турдаги инсон папиллома вируси ташувчилиги билан бирга кузатилганда, 60% ҳолатларда мустақил равишда элиминация кузатилади (S.P. Dobbs et al., 2000; I. Diaz-Padilla et al., 2012; Z. Haiyan et al., 2017).

Илмий ҳамжамиятнинг яна бир эътибор марказидаги йўналиш — инсон папиллома вируси билан боғлиқ бачадон бўйни шиллик қаватининг кўп қаватли ясси эпителийси паст даражали интраэпителиал неоплазиясини даволаш ва вирус персистенциясини бартараф этиш масаласи бўлиб, ҳозирги вақтда инсон папиллома вирусини тўлиқ элиминация қилишга қодир бўлган махсус вирусга қарши препарат мавжуд эмас. Бугунги кунда ИПВ билан боғлиқ шикастланишларни бартараф этишнинг асосий усули сифатида бачадон бўйнининг зарарланган қисмини деструкция қилиш усуллари қўлланилмоқда, бироқ айрим ҳолатларда деструктив усуллардан кейин папилломавирус инфекциясининг рецидиви кузатилиши ушбу муаммонинг

тўлиқ ҳал этилмаганлигини кўрсатади (Гренкова Ю.М., Сафронова М.М., 2010; Баграмова Г.Э. ва ҳаммуаллифлар, 2012). Шунингдек иммун тизим фаолиятини тиклаш ва вирус персистенциясини камайтиришга қаратилган иммунокоррекция усуллари, жумладан интерферон альфа сақловчи препаратларни қўллаш (Misson D.R. ва ҳаммуаллифлар 2011) томонидан интерферон альфа сақловчи аппликациялар ёрдамида CIN II–III ни даволаш самарадорлиги исботланган бўлиб, тадқиқот натижаларида диспластик жараёнларнинг CIN I гача регрессияси ва даволанган беморларда интерлейкин-12 даражасининг ошиши қайд этилган. Шунингдек, интерферон альфани вагинал суппозиторийлар кўринишида қўллаш бўйича ўтказилган тадқиқотларда (Прилепская В.Н. ва ҳаммуаллифлар, 2008) LSIL регрессияси ва 68,2% ҳолатларда инсон папиллома вируси элиминациясига эришилганлиги аниқланган. Сўнгги йилларда яллиғланишга қарши, антиоксидант ва иммуномодуляция қилувчи хусусиятга эга бўлган табиий биологик фаол моддаларни қўллаш имкониятлари ҳам фаол ўрганилмоқда. Айрим тадқиқотларда куркума таркибида ўсмага қарши, антиоксидант ва яллиғланишга қарши таъсирга эга бўлган биологик фаол бирикмалар мавжудлиги аниқланган (Castanon et al., 2018; Е Шоу Шань, Шен Сяо Жун, 2005). Экспериментал тадқиқотларда куркуманинг эркин радикалларни нейтраллаштириши, ДНК шикастланишини камайтириши, бачадон бўйни эпителийсидаги саратон олди ва саратон хужайраларига нисбатан цитотоксик таъсир кўрсатиши, шунингдек HPV16 E6 ва E7 онкоген фрагментларини ингибиция қилиши аниқланган (Шан Цзыхун ва ҳаммуаллифлар, 2003; Шэнь Цзинцин ва ҳаммуаллифлар, 2019).

Ўзбекистонда ҳам бачадон бўйни саратони олди касалликларининг клиник-морфологик хусусиятларини ўрганиш, диагностика ва даволаш тактикасини такомиллаштиришга қаратилган қатор тадқиқотлар олиб борилган (Д.Ю. Рузиева, Н.Х. Рузиева, 2020; Наджмутдинова Д.К. ва ҳаммуаллифлар, 2021; Каландарова А.И., 2021; Юлдашева Д.Ю., Каримов Х.Я., 2022; Солиева Р.Б., 2022; Камилова И.А., 2022; Ихтиярова Г.А. ва ҳаммуаллифлар, 2022; Шарипова И.П., 2025; Каттаходжаева М.Х., 2025). Бироқ, инсон папиллома вируси персистенцияси шароитида паст даражали интраэпителиал неоплазияси мавжуд беморларда иммунологик кўрсаткичлар, цитокин статуси ва иммунокоррекцияга қаратилган даволаш усуллариининг комплекс баҳоси етарли даражада ўрганилмаган. Шундай қилиб, бачадон бўйни шиллиқ қаватининг кўп қаватли ясси эпителийси паст даражали интраэпителиал неоплазияси прогрессиясини олдини олиш, инсон папиллома вируси персистенциясини камайтириш, иммунологик кўрсаткичларни нормаллаштиришга қаратилган янги, патогенетик асосланган даволаш усуллариини ишлаб чиқишга йўналтирилган комплекс клиник-лаборатор тадқиқотлар ўтказиш мазкур муаммонинг замонавий гинекологиядаги долзарблигини белгилайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-ташқилотнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация иши Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган бўлиб, қуйидаги дастурлар доирасида: ИТД-10 «Мавжуд усул ва технологияларни такомиллаштириш ҳамда тиббиётда янги усул ва технологияларни яратиш асосида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш»; ППИ-10 «Янги технология ва усулларни ишлаб чиқиш асосида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, касалликларни диагностика қилиш, даволаш ва профилактика қилиш» мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инсон папиллома вируси фонида бачадон бўйни шиллиқ қаватининг кўп қаватли ясси эпителийси енгил даражали дисплазияси мавжуд бўлган репродуктив ёшдаги аёлларни олиб бориш тактикасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бачадон бўйнининг паст даражали цервикал интраэпителиал неоплазияси ва инсон папиллома вируси мавжуд бўлган аёлларда репродуктив саломатлик хусусиятларини баҳолаш;

ИПВ инфекцияси фонида CIN I мавжуд бўлган беморларда бачадон бўйни ҳолати ва вагинал биоценоз ҳолатини комплекс баҳолаш, шу жумладан ҳамроҳ урогенитал инфекцияларни таҳлил қилиш;

Бачадон бўйнининг паст даражали цервикал интраэпителиал неоплазияси ва ИПВ мавжуд бўлган беморларда қон зардобида айрим цитокинлар даражасини аниқлаш;

CIN I ва ИПВ инфекцияси мавжуд бўлган беморларни комплекс даволашда куркумин сақловчи вагинал суппозиторийларнинг клиник ва иммунологик самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти юқори онкоген турдаги инсон папиллома вируси ДНКси аниқланган ва LSIL/CIN 1 ташхиси қўйилган репродуктив ёшдаги 122 нафар бемор аёллар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида клиник-лаборатор маълумотлар, 3 нуқтадан олинган суртма, Папаниколау усули бўйича олинган цитологик суртма, бемор аёллар қон зардобидан олинган иммунологик кўрсаткичлар, бачадон бўйнидан олинган биоптат ва унинг гистология натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, гинекологик, лаборатор-инструментал, цитологик, иммунологик, гистологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор бачадон бўйни шиллиқ қаватининг енгил даражали интраэпителиал неоплазияси мавжуд ва ИПВ-позитив беморларда иммун тизими Th2 иммун жавоб механизмини фаоллаштириши, вирусга қарши ва ўсмага қарши химоя механизмларини ишга тушириши аниқланган;

қон зардобида цитокинлар даражасини ўрганиш натижалари бачадон бўйни шиллиқ қаватининг кўп қаватли эпителийси енгил дисплазияси мавжуд беморларда папилломавирус инфекциясининг элиминацияси ва

персистенциясини баҳолашда ишончли кўрсаткич бўлиб хизмат қилиши исботланган;

бачадон бўйни шиллиқ қавати кўп қаватли ясси эпителийсининг энгил дисплазияси бўлган беморларда ИПВ элиминацияси α - ва γ -интерферонлар, шунингдек яллиғланишни кучайтирувчи цитокинлар даражаларининг ишончли пасайиши билан кузатилиши аниқланган.

куркума сақловчи вагинал суппозиторийларнинг иммуномодулятор хусусиятга эга эканлиги, цитокин статусини нормаллаштириши, инсон папиллома вируси элиминациясига ёрдам бериши, LSIL/CIN I частотасини камайтириши ҳамда кольпоскопик манзарани яхшилаши илмий жиҳатдан исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

куркума сақловчи вагинал суппозиторий исботланган иммуномодуляция қилувчи хусусиятга эга бўлиб, ИПВ ва паст даражали интраэпителиал дисплазияси мавжуд беморларда цитокин статусини нормаллаштиришга ёрдам бериши билан изоҳланган;

ИПВ ва паст даражали интраэпителиал дисплазияси мавжуд беморларда куркума сақловчи вагинал суппозиторийни қўллаш кольпоскопик манзарани яхшилади, ПАП-мазокларда LSIL/CIN I учраш частотасини ва ИПВ элиминациясини камайтиради, шунингдек бачадон бўйнининг асоссиз биопсиялари сонини камайтириш билан изоҳланади;

LSIL/CIN1 ва ИПВ мавжуд беморларни куркума сақловчи суппозиторийлар қўлланган ҳолда олиб бориш тактикаси бачадон бўйнида асоссиз инвазив аралашувлар сонини камайтириши имконияти асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий ишда қўлланилган назарий ва амалий ёндашувлар, тадқиқот усуллари, ўтказилган текширувларнинг методологик аниқлиги, беморлар сонининг етарлилиги, шунингдек замонавий лаборатор ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шунда намоён бўладики, инсон папиллома вируси билан боғлиқ бачадон бўйни шиллиқ қаватининг кўп қаватли ясси эпителийси паст даражали интраэпителиал неоплазиясининг ривожланиши ва персистенциясига оид тасаввурлар аниқлаштирилди ва кенгайтирилди, ушбу таҳлил натижасида клиник-лаборатор ва иммунологик кўрсаткичлар, хусусан цитокин статуси ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш орқали касаллик персистенцияси ва прогрессияси хавфини баҳолаш имкониятлари кенгайтирилди, шунингдек ИПВ-позитив беморларда иммун жавоб хусусиятлари ва цитокинлар профилини баҳолаш асосида касаллик кечиш механизмларини чуқурроқ тушуниш имконияти яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти шундаки, анамнез маълумотлари, клиник, кольпоскопик, цитологик, вирусологик ва иммунологик кўрсаткичларни комплекс баҳолаш асосида ИПВ билан боғлиқ паст даражали

интраэпителиал неоплазияси мавжуд беморларни олиб боришнинг такомиллаштирилган алгоритми ишлаб чиқилди, бу эса кутиб туриш тактикаси ва патогенетик даволаш усуллари тўғри танлаш, асосиз инвазив текширувлар ва деструктив даволаш усуллари сонини камайтириш, инсон папиллома вируси элиминациясини тезлаштириш ҳамда касаллик прогрессиясини олдини олиш бўйича профилактик ва даволаш тадбирларини оптималлаштириш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бачадон бўйни шиллик қаватининг кўп қаватли ясси эпителийси паст даражали интраэпителиал неоплазияси ва инсон папиллома вируси мавжуд беморларда клиник, вирусологик ва иммунологик кўрсаткичларни комплекс баҳолаш, шунингдек куркума сақловчи вагинал суппозиторийларни қўллаш самарадорлигини ўрганиш натижалари асосида:

биринчи илмий янгилик: илк бор бачадон бўйни шиллик қаватининг энгил даражали интраэпителиал неоплазияси мавжуд ва ИПВ-позитив беморларда иммун тизими Th2 иммун жавоб механизмини фаоллаштириши, вирусга қарши ва ўсмага қарши ҳимоя механизмларини ишга тушириши аниқланганлиги бўйича таклифлар Республика она ва бола саломатлиги ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази Илмий Кенгаши томонидан 28 ноябр 2024 йил 13 сон билан тасдиқланган «Бачадон бўйни шиллик қаватининг кўп қаватли ясси эпителийси энгил даражали интраэпителиал неоплазияси ва инсон папиллома вируси мавжуд бўлган беморларни олиб боришга янги ёндашув» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф 16.02.2024 йилдаги 24-сон буйруқ билан Республика она ва бола саломатлиги ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиалига ва 23.02.2025 йилдаги 27-сон буйруқ билан Андижон филиалларининг клиник амалиётига жорий этилган.

Ижтимоий самарадорлиги: инсон папиллома вируси элиминациясига, шунингдек бачадон бўйни энгил дисплазиясининг ўртача даражага ўтиш частотасини камайтиришга эришилди. *Иқтисодий самарадорлиги:* энгил даражали цервикал интраэпителиал неоплазияни эрта аниқлаш ва олдини олиш ҳар бир бемор учун 680000 сўм маблағни тежаш имконини берди, 61 нафар аёл учун жами 41480000 сўмни ташкил этди. *Хулоса:* юқори онкоген турдаги ИПВ аниқланиш частотаси энгил даражали цервикал интраэпителиал неоплазия шаклланишининг асосий омили эканлиги аниқланди, бу клиник ва иқтисодий самарадорликни исботлади, акушер-гинекологлар учун муҳим амалий йўналишни белгилаб берди ҳамда ИПВ билан боғлиқ энгил дисплазияси мавжуд беморларни олиб бориш харажатларини камайтиришга хизмат қилди.

иккинчи илмий янгилик: қон зардобиди цитокинлар даражасини ўрганиш натижалари бачадон бўйни шиллик қаватининг кўп қаватли эпителийси энгил дисплазияси мавжуд беморларда папилломавирус инфекциясининг элиминацияси ва персистенциясини баҳолашда ишончли кўрсаткич бўлиб хизмат қилиши исботланганлиги бўйича таклифлар Республика она ва бола саломатлиги ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази Илмий Кенгаши томонидан 28 ноябр 2024 йил 13 сон билан тасдиқланган «Бачадон бўйни шиллик қаватининг кўп қаватли ясси эпителийси энгил даражали интраэпителиал неоплазияси ва инсон папиллома вируси мавжуд бўлган

беморларни олиб боришга янги ёндашув» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф 16.02.2024 йилдаги 24-сон буйруқ билан Республика она ва бола саломатлиги ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиалига ва 23.02.2025 йилдаги 27-сон буйруқ билан Андижон филиалларининг клиник амалиётига жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* клиник-лаборатор ва иммунологик кўрсаткичларнинг ИПВ билан боғлиқлигини оптималлаштириш, ортиқча лаборатор текширувлар сонини камайтиришга эришилди. *Иқтисодий самарадорлиги:* клиник-лаборатор ва иммунологик кўрсаткичлар билан ИПВ ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш ҳар бир бемор учун 1500000 сўм маблағни тежаш имконини берди, 61 нафар аёл учун жами 91500000 сўмни ташкил этди. *Хулоса:* клиник-лаборатор ва иммунологик таҳлил индивидуал ёндашув имконини беради, бачадон бўйни биопсияси ва деструктив даволаш усуллари сонини камайтиради, маблағларни тежаш ва соғлиқни сақлаш ресурсларидан самарали фойдаланишга хизмат қилади.

учинчи илмий янгилик: бачадон бўйни шиллиқ қавати кўп қаватли ясси эпителийсининг энгил дисплазияси бўлган беморларда ИПВ элиминацияси α -ва γ -интерферонлар, шунингдек яллиғланишни кучайтирувчи цитокинлар даражаларининг ишончли пасайиши билан кузатилиши аниқланганлиги бўйича таклифлар Республика она ва бола саломатлиги ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази Илмий Кенгаши томонидан 28 ноябр 2024 йил 13 сон билан тасдиқланган «Бачадон бўйни шиллиқ қаватининг кўп қаватли ясси эпителийси энгил даражали интраэпителиал неоплазияси ва инсон папиллома вируси мавжуд бўлган беморларни олиб боришга янги ёндашув» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф 16.02.2024 йилдаги 24-сон буйруқ билан Республика она ва бола саломатлиги ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиалига ва 23.02.2025 йилдаги 27-сон буйруқ билан Андижон филиалларининг клиник амалиётига жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* интерферон ва яллиғланишни кучайтирувчи цитокинлар динамикаси беморларни хавф даражасига кўра табақалаштириш ҳамда кузатув оралиқларини индивидуаллаштириш имконини берди, бу такрорий кольпоскопик ва цитологик текширувлар сонини камайтирди. *Иқтисодий самарадорлиги:* интерферон ва яллиғланишни кучайтирувчи цитокинлар динамикаси асосида хавфни прогноз қилиш такрорий цитологик-кольпоскопик текширувлар ва асосиз назорат биопсияларини камайтириш имконини берди; иқтисодий самара ҳар бир бемор учун ўртача 1500000 сўмни, 61 нафар аёл учун жами 91500000 сўмни ташкил этди. *Хулоса:* интерферон ва яллиғланишни кучайтирувчи цитокинлар динамикасини баҳолаш ИПВ-позитив беморларда касаллик кечишини прогноз қилиш ҳамда цервикал интраэпителиал дисплазия прогрессиясини олдини олишга хизмат қилади;

тўртинчи илмий янгилик: куркума сақловчи вагинал суппозиторийларнинг иммуномодулятор хусусиятга эга эканлиги, цитокин статусини нормаллаштириши, инсон папиллома вируси элиминациясига ёрдам бериши, LSIL/CIN I частотасини камайтириши ҳамда кольпоскопик манзарани яхшилаши илмий жиҳатдан исботланганлиги бўйича таклифлар Республика она ва бола саломатлиги ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази Илмий Кенгаши томонидан 28 ноябр 2024 йил 13 сон билан

тасдиқланган «Бачадон бўйни шиллик қаватининг кўп қаватли ясси эпителийси енгил даражали интраэпителиал неоплазияси ва инсон папиллома вируси мавжуд бўлган беморларни олиб боришга янги ёндашув» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф 16.02.2024 йилдаги 24-сон буйруқ билан Республика она ва бола саломатлиги ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиалига ва 23.02.2025 йилдаги 27-сон буйруқ билан Андижон филиалларининг клиник амалиётига жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* клиник кузатув ва даволашни оптималлаштириш бачадон бўйни енгил дисплазияси мавжуд беморлар сонини камайтириш ва папилломавирус инфекциясини элиминация қилишга ёрдам берди. *Иқтисодий самарадорлиги:* куркума сақловчи суппозиторийларни қўллаш инсон папиллома вируси элиминациясига, LSIL/CIN I билан беморлар сонини камайтиришга, кольпоскопик манзарани яхшилашга, бачадон бўйни биопсиясига муҳтож беморлар сонини камайтиришга олиб келди, бу ҳар бир бемор учун 3950000 сўм маблағни тежаш имконини берди, жами 240950000 сўмни ташкил этди. *Хулоса:* енгил даражали цервикал интраэпителиал неоплазия ва инсон папиллома вируси билан боғлиқ ҳолатларни куркума сақловчи суппозиторийлар ёрдамида эрта даволаш клиник натижаларни яхшилайти ва соғлиқни сақлаш ресурсларини тежаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш нашр этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 131 бетни ташкил этган

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот вазифалари, объекти ва предмети баён этилган, тадқиқотларнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, илмий янгилик ва тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тавсифланган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, иш натижаларининг апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича материаллар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи. Бачадон бўйни шиллик қавати кўп қаватли ясси эпителийининг енгил даражали дисплазияси билан касалланган аёлларда патогенез, диагностика ва даволаш тактикаси ҳақида замонавий тасаввурлар**» деб номланган биринчи бобида,

муаммонинг долзарблигига асосланган ҳолда адабиётлар бўйича умумлаштирилган маълумотлар баён этилган. Замонавий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, бачадон бўйни шиллиқ қавати кўп қаватли ясси эпителиининг энгил даражали дисплазияси (LSIL/CIN I) репродуктив ёшдаги аёлларда энг кўп учрайдиган цервикал интраэпителиал шикастланиш шаклларида бири бўлиб, юқори онкоген хавфли инсон папиллома вирусининг персистенцияси билан чамбарчас боғлиқ. Кўшимча тадқиқотларни талаб этувчи ҳал этилмаган масалалар муҳокама қилинган.

Диссертациянинг «**Клиник материал ва тадқиқот усуллари**нинг **характеристикаси**» деб номланган иккинчи бобида клиник материаллар умумий тавсифи берилган, тадқиқот усуллари баён этилган. Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг базасида бажарилган. Жами бачадон бўйни патологияси бўлган репродуктив ёшдаги 654 нафар аёл текширилган бўлиб, шулардан 30–49 ёшдаги 152 нафар бемор асосий тадқиқотга киритилган. Асосий гуруҳни LSIL/CIN I ва юқори онкоген хавфли ИПВ аниқланган 122 нафар аёл, назорат гуруҳини эса бачадон бўйни патологияси ва жинсий йўл билан юқувчи инфекциялари бўлмаган 30 нафар аёл ташкил этди. Тадқиқот мақсадига мувофиқ беморларда комплекс клиник-лаборатор ва инструментал текширувлар ўтказилди, жумладан анамнез йиғиш, гинекологик кўрик, суртмалар микроскопияси, инфекцияларни ПЦР-диагностикаси, суяқ цитология, кенгайтирилган кольпоскопия, иммунологик тадқиқотлар, шунингдек радиотўлқинли биопсия ва гистологик текширув ёрдамида диагнозни морфологик верификация қилиш амалга оширилди. Санация ва яллиғланишга қарши даволашдан сўнг асосий гуруҳ беморлари икки тенг кичик гуруҳга ажратилди: биринчи гуруҳга таклиф этилган схема бўйича куркума сакловчи вагинал суппозиторийлар қўлланилди, иккинчи гуруҳда эса кузатиш тактикаси қўлланилди. Олинган маълумотлар замонавий тиббий статистика усуллари ёрдамида қайта ишланди, бу эса тадқиқот натижаларининг ишончлилигини таъминлади.

Маълумотларни статистик қайта ишлаш Microsoft Office Excel 2019 ва SPSS Statistics 26.0 дастурлари ёрдамида амалга оширилди. Ўртача квадратик оғиш, ўртача арифметик хатолик кўрсаткичлари баҳоланди, гуруҳлар ўртасидаги фарқлар ишончлилиги t-критерий орқали аниқланди. Статистик аҳамиятлилиқ даражаси $p < 0,05$ деб қабул қилинди.

Диссертациянинг «**Шахсий тадқиқот натижалари. Инсон папиллома вируси ва бачадон бўйни шиллиқ қавати кўп қаватли ясси эпителиининг энгил даражали интраэпителиал неоплазияси билан касалланган беморларнинг репродуктив саломатлиги хусусиятларини таққослама ўрганиш**» деб номланган учинчи бобида LSIL/CIN I ва ИПВга эга аёлларда репродуктив саломатлик хусусиятлари, клиник-анамнестик маълумотлар, кольпоскопик ва цитологик кўрсаткичларни таққослама таҳлил қилишга бағишланган ўз тадқиқот натижалари келтирилган. Асосий гуруҳ аёлларида эрта жинсий ҳаёт бошланиши, икки ва ундан ортиқ жинсий шериклари мавжудлиги, жинсий аъзоларнинг яллиғланиш касалликлари, жинсий йўл билан юқувчи инфекциялар, менструал функция бузилишлари, аденомиоз, фолликуляр кисталар, шунингдек ҳомиладорлик ва туғруқнинг салбий натижалари ишончли равишда кўпроқ учраши аниқланди. Асосий

гурухда менархе ёши 11–12 ёшда 13 нафар (10,7±3,1%) беморларда кузатилган бўлса, 15–17 ёшда менструация бошланиши 12 нафар (9,8±2,7%) текширилганларда қайд этилди. Назорат гуруҳида менархе 15–17 ёшда 3 нафар (10,0±3,1%) аёлда қайд этилди (жадвал 1).

1-жадвал

Менархе бошланиш ёши (M±m), нафар (%)

Ёш, йил	Асосий гуруҳ (n=122)		Назорат гуруҳи (n=30)	
	n	%	n	%
11-12 ёш	13	10,7±3,1%	-	-
13-14 ёш	97	79,5±3,7%	27	90,0±5,5%
15-17 ёш	12	9,8±2,7%	3	10,0±3,1%
Дарҳол шаклланган	83	68,0±4,2% ***	30	100%
1 йил давомида шаклланган	39	31,97±3,8%	-	-

Текширилган аёлларнинг оилавий ҳолати бўйича сўров натижалари таҳлили шуни кўрсатдики, ҳар икки гуруҳда ҳам аёлларнинг кўпчилиги никоҳда бўлган. Шу билан бирга, асосий гуруҳда ажрашган аёллар сони назорат гуруҳига нисбатан 3 баробар кўп бўлиб, мос равишда 15 (12,3±2,97%) ва 1 (3,3±3,3%) ни ташкил этди, бироқ аниқланган фарқ статистик жиҳатдан аҳамиятли эмаслиги қайд этилди (жадвал 2).

Аниқланишича, асосий гуруҳдаги 29 (23,8±3,9%) беморда икки ва ундан ортиқ жинсий шерик мавжуд бўлган, назорат гуруҳида эса бундай ҳолат кузатилмади. Шу билан бирга, назорат гуруҳидаги барча текширилганлар — 30 (100%) нафар аёл бир нафар жинсий шерикга эга эканлигини кўрсатган бўлса, асосий гуруҳда бу кўрсаткич 93 (76,2±3,9%) ни ташкил этди; гуруҳлар ўртасидаги фарқ статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлди ($p<0,001$).

2-жадвал

Оилавий ҳолат тўғрисида маълумотлар (M±m), нафар (%)

Кўрсаткичлар	Асосий гуруҳ (n=122)		Назорат гуруҳи (n=30)	
	n	%	n	%
Турмуш қурган	107	87,7±2,97%	29	96,7±3,3%
Ажрашган	15	12,3±2,97%	1	3,3±3,3%
Жинсий шериклар сони тўғрисида маълумотлар				
1 жинсий шерик	93	76,2±3,9%***	30	100
2 ва кўп жинсий шерик	29	23,8±3,9%	-	-

Изоҳ: *** — $p<0,001$, назорат гуруҳига нисбатан фарқларнинг ишончлилиги.

Ҳомиладорликлар сони таҳлили шуни кўрсатдики, анамнезда икки марта ҳомиладорлик ҳолати асосий гуруҳдаги 13 (10,7±2,8%) беморда ва назорат

гуруҳидаги 7 (23,3±7,7%) аёлда қайд этилган; гуруҳлар ўртасидаги фарқ статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлган ($p<0,005$) (жадвал 3).

3-жадвал

Текширилган аёлларни ҳомиладорликлар сонига қараб тавсифи, $M\pm m$, нафар (%)

Ҳомиладорликлар соли	Асосий гуруҳ (n=122)		Назорат гуруҳи (n=30)	
	n	%	n	%
0	9	7,4±2,4%	-	-
1	13	10,7±2,8%	7	23,3±7,7%
2	49	40,2±4,4%**	5	16,7±6,8%
3	39	31,97±4,2%*	17	56,7±9,2%
4	2	1,6±1,1%	1	3,3±3,3%
5 ва кўп	10	8,2±2,3%	-	-

Изоҳ: * — $p<0,05$, назорат гуруҳига нисбатан фарқларнинг ишончилиги; ** — $p<0,005$, назорат гуруҳига нисбатан фарқларнинг ишончилиги.

Текширилган аёлларнинг кўпчилигида, ҳам асосий, ҳам назорат гуруҳларида анамнезда 2–3 та ҳомиладорлик мавжуд бўлиб, мос равишда 72,2% ва 73,4% ни ташкил этди. Тўрт марта ҳомиладорлик ҳолати асосий гуруҳдаги 2 (1,6±1,1%) аёл ва назорат гуруҳидаги 1 (3,3±3,3%) аёл томонидан қайд этилди.

Анамнезда беш ва ундан ортиқ ҳомиладорлик асосий гуруҳдаги 10 (8,2±2,3%) беморда кузатилган бўлса, назорат гуруҳида бундай кўрсаткичга эга аёллар аниқланмади.

Текширилган аёллар томонидан қўлланилган контрацепция усуллари ҳақидаги маълумотларни ўрганиш натижалари 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Текширилган аёллар томонидан қўлланилган контрацепция усуллари тўғрисида маълумотлар, $M\pm m$, нафар (%)

Контрацепция усуллари	Асосий гуруҳ (n=122)		Назорат гуруҳи (n=30)	
	N	%	n	%
Бачадон ичи воситаси	17	13,9±3,1%	2	6,7±4,6%
Барьер усули	10	8,2±2,5%***	16	53,3±9,1%
Календар усули	9	7,4±2,4%	2	6,7±4,6%
Тўхтатилган жинсий алоқа	32	26,2±3,98%	4	13,3±6,2%
Сақланмаган	49	40,2±4,4%	6	20,0±7,3%
Ихтиёрий жарроҳлик стерилизацияси	5	4,1±1,8%	-	-

Изоҳ: *** — $p<0,001$, назорат гуруҳига нисбатан фарқларнинг ишончилиги.

Текширилган аёлларда гинекологик патологик ҳолатлар 5-жадвалда келтирилган. Асосий гуруҳдаги барча беморларда — 122 (100%) ҳолатда

бачадон, унинг ортиқлари ва бачадон бўйнининг яллиғланиш касалликлари аниқланган бўлса, назорат гуруҳида бу кўрсаткич 9 (30,0±8,4%) ни ташкил этди; фарқ статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлди ($p<0,001$).

5-жадвал

Текширилган аёлларда аниқланган гинекологик патологик ҳолатлар, $M\pm m$, нафар (%)


Касалликлар	Асосий гуруҳ (n=122)		Назорат гуруҳи (n=30)	
	n	%	n	%
Бачадон ва унинг ортиқлари, шунингдек бачадон бўйни яллиғланиши	122	100,0±0,0%***	9	30,0±8,4%
Хламидиоз, уреоплазмоз	78	63,9±4,3%***	2	6,7±4,6%
Менструал цикл бузилиши	56	45,9±4,5%**	6	20,0±7,3%
Тухумдон фолликуляр кистаси	29	23,8±3,9%**	2	6,7±4,6%
I даражали бепуштлик	9	7,4±2,4%	-	-
Аденомиоз	32	26,2±3,98%**	2	6,7±4,6%
Бачадон миомаси	19	15,6±3,3%	3	10,0±5,5%

Изоҳ: ** — $p<0,005$, назорат гуруҳига нисбатан фарқларнинг ишончилиги; *** — $p<0,001$, назорат гуруҳига нисбатан фарқларнинг ишончилиги.

Асосий гуруҳ беморларида хламидия ва уреоплазма инфекциялари ишончли равишда кўпроқ аниқланган — 78 (63,9±4,3%) ҳолат, назорат гуруҳида эса 2 (6,7±4,6%) аёлда кузатилган ($p<0,001$). Менструал цикл бузилишлари ҳам асосий гуруҳда статистик жиҳатдан аҳамиятли даражада кўпроқ аниқланган — 56 (45,9±4,5%) беморда, назорат гуруҳида эса 6 (20,0±7,3%) аёлда ($p<0,005$). Худди шундай қонуният тухумдоннинг фолликуляр кисталарига нисбатан ҳам кузатилди: улар ультратовуш текшируви маълумотларига кўра асосий гуруҳдаги 29 (23,8±3,9%) да ва назорат гуруҳидаги 2 (6,7±4,6%) аёлда аниқланган ($p<0,005$).

Миометрий патологияси ҳам асосий гуруҳ беморларида ишончли равишда кўпроқ учраган: аденомиоз 32 (26,2±3,98%) аёлда аниқланган бўлса, назорат гуруҳида бу кўрсаткич 2 (6,7±4,6%) ни ташкил этган ($p<0,005$). Бачадон миомаси эса асосий гуруҳда 19 (15,6±3,3%) беморда, назорат гуруҳида 3 (10,0±5,5%) аёлда қайд этилган бўлиб, асосий гуруҳда 1,5 баробар кўпроқ учраган, бироқ мазкур фарқ статистик жиҳатдан аҳамиятли эмас.

Бачадон бўйни шиллик қавати кўп қаватли ясси эпителийининг энгил даражали дисплазияси бўлган беморлар орасида энг кўп ҳолларда 39-типдаги ИПВ 25 (20,5%) аёлда, 82-тип 16 (13,1%), 52-тип 15 (12,3%), шунингдек 56 ва 35-типлар 13 (10,7%) текширилганларда аниқланган (расм 1).



1-расм. Бачадон бўйни LSIL/CIN I бўлган беморларда ИПВ генотипларининг тақсимланиши.

6-жадвалда асосий гуруҳ беморлари орасида ИПВ генотипларининг тақсимланишини ўрганиш натижалари акс эттирилган.

6-жадвал

Асосий гуруҳ беморларини аниқланган ИПВ генотиплари сонига қараб тақсимланиши

1 тип ИПВ		2 типа ИПВ		3 типа ИПВ	
n	%	n	%	n	%
88	72,1	24	19,7	3	8,2

Жадвал маълумотларига кўра, асосий гуруҳ беморларининг кўпчилигида — 88 (72,1%) ҳолатда ИПВнинг битта генотиби аниқланган бўлиб, у 31, 33, 35, 39, 44, 45, 51, 52, 53, 56, 58, 66, 68, 73 ва 82-типлар билан ифодаланган. 24 (19,7%) текширилганларда ИПВнинг икки генотиби комбинацияси аниқланган, 3 нафар беморда эса вируснинг учта генотиби ассоциацияси ташхис қилинган.

Кольпоскопик манзарани баҳолаш VII Жаҳон кольпоскопия конгрессида (Рим, 1990) қабул қилинган ва кейинчалик Бачадон бўйни патологияси ва кольпоскопия халқаро федерацияси (IFCPC) томонидан 2002 йилда (Барселона) янгиланган кольпоскопик терминларнинг халқаро таснифи асосида амалга оширилди.

Ўтказилган кольпоскопик тадқиқот натижалари 7-жадвалда келтирилган.


Назорат гуруҳи аёлларида кольпоскопия пайтида бачадон бўйнида патологик ўзгаришлар аниқланмади: оригинал кўп қаватли ясси эпителий 12,5% текширилганларда визуализация қилинди, бачадон бўйни эктопияси 10,0% ҳолатда, I тип нормал трансформация зонаси эса 90,0% ҳолатда қайд этилди. Асосий гуруҳдаги барча беморларда атипик кольпоскопик манзара аниқланди, кўп ҳолларда у ташқи жинсий аъзолар кондилوماتози билан бирга кузатилди. Энг кўп учрайдиган кольпоскопик белгилари ацетобел эпителий ва йод-негатив зоналар бўлди.

**Текширилган аёлларда кольпоскопик белгиларнинг тавсифи, $M \pm m$,
нафар (%)**

№	Кольпоскопик белгилар	Асосий гурух, n= 122	%	Назорат гурухи, n= 30	%
1	Нормал кольпоскопик ҳолатлар:				
	Оригинал кўп қаватли ясси эпителий (МПЭ)	-	-	12	12,5
	Эктопия	-	-	3	10
	I тип трансформация зонаси	-	-	27	90
	II тип трансформация зонаси				
2	Атипик кольпоскопик ҳолатлар	122	100		
А.	Трансформация зонасида:				
	Ацетобел эпителий	52	42,6	-	
	Мозаика	15	12,3	-	
	Пунктуация	19	15,6	-	
	Йод-негатив зоналар	68	55,7	-	
Б.	Трансформация зонасидан ташқарида:				
	Ацетобел эпителий	68	55,7	-	-
	Мозаика	10	8,2	-	-
	Пунктуация	10	8,2	-	-
	Йод-негатив зоналар	71	58,2	-	-
3	in situ Carcinoma	-	-	-	-
4	Ташқи жинсий аъзолар кондилوماتози	122	100		

Трансформация зонасида ацетобел эпителий 42,6% беморда аниқланган, мозаика 12,3%, пунктуация 15,6%, йод-негатив зоналар 55,7% ни ташкил этган; трансформация зонасидан ташқарида эса ацетобел эпителий 55,7%, мозаика ва пунктуация 8,2%, йод-негатив зоналар 58,2% текширилганларда аниқланган. Олинган маълумотлар LSIL/CIN I ва ИПВ инфекцияси бўлган беморларда атипик кольпоскопик ўзгаришлар юқори частотада учрашини кўрсатади.


Асосий гуруҳ беморларида цитологик тадқиқот натижаларига кўра паст даражали ясси эпителийнинг интраэпителиал шикастланиши (LSIL/CIN I) белгилари аниқланган. Цитоморфологик манзара ядролар ҳажмининг катталаниши, гиперхромия ва деформацияси, икки ядролилик, хроматиннинг нотекис тақсимланиши, ядро мембранасининг қалинлашиши, койлоцитоз ва кератинизация белгилари билан характерланиб, бу LSIL/CIN I учун хос цитологик мезонларга мос келади (расм 2–4).



2-расм. Ясси эпителийнинг интраэпителиал паст даражали шикастланишлари (LSIL/CIN I).



3-расм. Ясси эпителийнинг интраэпителиал паст даражали шикастланишлари (LSIL/CIN I).



4-расм. Ясси эпителийнинг интраэпителиал паст даражали шикастланишлари (LSIL/CIN I).

LSIL/CIN I ва ИПВ инфекцияси бўлган беморларда кузатиш тактикаси кўп ҳолларда кучли хавотир реакцияси билан бирга кечган: текширилганларнинг ярмидан кўпи 1,5–2 йилдан сўнг қайта кузатув тавсиясини салбий қабул қилган. Ўтказилган таҳлил шуни кўрсатдики, мазкур гуруҳ учун эрта жинсий ҳаёт бошланиши, оғирлашган акушер-гинекологик анамнез, тиббий абортлар, ўз-ўзидан ҳомила тушишлар, ривожланмаган ҳомиладорликлар ва кўп туғган аёллар улушининг юқорилиги хосдир. Бундан ташқари, асосий гуруҳ беморларида менструал цикл бузилишлари, тухумдон фолликуляр кисталари, аденомиоз, шунингдек хламидия ва уреоплазма инфекциялари ишончли равишда кўпроқ аниқланган бўлиб, бу ИПВ инфекцияси фонида LSIL/CIN I шаклланишида инфекция-яллиғланиш ва репродуктив омилларнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Бачадон бўйни шиллик қавати кўп қаватли ясси эпителийининг енгил даражали интраэпителиал неоплазияси бўлган беморларни олиб боришда куркума сақловчи вагинал суппозиторийлар самарадорлигини ўрганиш**» деб номланиб, мазкур патологияга эга беморларни комплекс даволашда куркума сақловчи вагинал суппозиторийлар самарадорлигини баҳолашга бағишланган тадқиқот натижалари баён этилган.

Куркума сақловчи вагинал суппозиторийлар самарадорлигини баҳолаш мақсадида асосий гуруҳдаги 122 нафар беморлар икки тенг гуруҳга ажратилган: 1-гуруҳда таклиф этилган схема бўйича куркума сақловчи суппозиторийлар қўлланилди, 2-гуруҳда эса кузатиш тактикаси амалга оширилди. Назорат гуруҳини ИПВ аниқланмаган, кольпоскопик манзараси нормал ва суюқ цитология маълумотларига кўра NILM бўлган 10 нафар аёл ташкил этди.

Даволаш самарадорлиги 18 ойдан сўнг гинекологик кўрик, кенгайтирилган кольпоскопия, суюқ цитология ва ИПВни ПЦР-диагностикаси натижалари асосида баҳоланди. Қўшимча равишда иммун статуснинг айрим кўрсаткичлари ўрганилди, бунда куркума сақловчи суппозиторийларни қўллаш ножўя таъсирлар билан кузатилмади.

8-жадвал маълумотларига кўра, кузатиш тактикаси гуруҳида атипик кольпоскопик манзара $42,2 \pm 6,3\%$ ҳолатда сақланиб қолган бўлса, куркума сақловчи вагинал суппозиторийлар қабул қилган гуруҳда бу кўрсаткич $22,95 \pm 5,4\%$ ни ташкил этди, бу эса олиб борилган терапия фонида АКК частотасининг статистик жиҳатдан аҳамиятли камайишини кўрсатади ($p < 0,001$). Куркума сақловчи суппозиторийларни қўллаш ИПВ ташувчилиги частотасининг ишончли камайишига олиб келди: 1-гуруҳда вирус $18,03 \pm 4,7\%$ беморда аниқланган бўлса, кузатиш тактикаси гуруҳида бу кўрсаткич $40,98 \pm 7,3\%$ ни ташкил этди ($p < 0,005$).

Қўшимча равишда ҳар икки гуруҳ беморларида ИПВ инфекцияси кечиш хусусиятлари ўрганилди, таққослама таҳлил натижалари 9-жадвалда келтирилган.

8-жадвал

Кутиш тактикаси ва куркума сақловчи вагинал суппозиторийларни қўллашда беморлар текширув натижаларининг таққослама баҳолаш кўрсаткичлари

Гуруҳлар	Текширув даври	АКК		LSIL/CIN I		ИПВ позитив	
		абс.	%	абс.	%	абс.	%
1-гуруҳ (n=61)	Куркума сақловчи суппозиторийлар қўллашдан олдин	61	100	61	100	61	100
	Куркума сақловчи суппозиторийлар қўлланганидан сўнг	14	22,95±5,4*	15	24,6±5,5**	11	18,03±4,7**
2-гуруҳ (n=61)	Кузатиш тактикасидан олдин	61	100	61	100	61	100
	Кузатиш тактикаси яқунланганидан сўнг	26	42,2±6,3	32	52,5±6,4	25	40,98±7,3

Изоҳ: * — $p < 0,05$, 1 ва 2 гуруҳлар ўртасидаги фарқларнинг ишончлилиги;

** — $p < 0,005$, 1 ва 2 гуруҳлар ўртасидаги фарқларнинг ишончлилиги;

*** — $p < 0,001$, 1 ва 2 гуруҳлар ўртасидаги фарқларнинг ишончлилиги.

9-жадвал маълумотларига кўра, куркума сақловчи вагинал суппозиторийларни қўллаш ИПВ элиминациясининг ишончли равишда юқори частотаси ва унинг персистенциясининг пастроқ кўрсаткичлари билан кузатилди. ИПВ элиминацияси асосий гуруҳдаги 91,8±2,8% беморда қайд этилган бўлса, таққослаш гуруҳида бу кўрсаткич 59,0±7,1% ни ташкил этди; вирус персистенцияси эса мос равишда 18,03±4,7% ва 40,98±7,3% аёлларда кузатилди ($p < 0,005$).

9-жадвал

Папилломавирус инфекцияси кечиш хусусиятларини таққослама ўрганиш натижалари

гуруҳлар	элиминация	Персистенция
1 гуруҳ, n= 61	50(81,96±4,9%)*	11(18,03±4,7%)*
